O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
QIBRAY TUMANI
HOKIMI
Q A R O R

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҚИБРАЙ ТУМАНИ
ҲОКИМИ
Қ А Р О Р

111200 Қибрай т. Зебунисо кўчаси 1-уй. Тел.: 8-(37115)-00-847, факс 8-(37115)-00-844

"26" 09 2017 йил 2570 сон Қибрай шаҳарчаси

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2018 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 97-модда) 17-моддаси, Ўзбекистон Республикаси "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида" ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2008 йил, 29-30-сон 277-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сонли Қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги низомга асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун туманда 2018 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17- моддасига асосан, ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги корхона, ташкилот ва муассасалар учун ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сонидан **792** кишини ташкил этадиган 7 фоиз миқдорида, шу жумладан:

ногиронлар учун 3 фоиз- 15 киши;

14 ёшга тўлмаган болалари ва ногирон болалари бор ёлғиз ҳамда кўп болали ота- оналар учун 12.4 фоиз – 96 киши;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун 60.6 фоиз – 476 киши;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилганлар учун 12 фоиз –93 киши;

Бандликка кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун 1,6 фоиз – 14 киши;

жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун 4.3 фоиз – 33 киши;

бошқалар учун – 6.5 фоиз 68 киши. Шу жумладан, кичик ёшли болалари бўлган ишламаётган аёллар 31 киши (4 %) , атрофдагилар учун хавфли бўлмаган ижтимоий аҳамиятли касалликлар билан оғриётган шахслар учун 15 киши (2%),одам савдосидан жабрланганлар учун 3 киши (0,4%) миқдорида иш ўринлари заҳираси белгилансин.

2. 2017 йилда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2018 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган корхона, ташкилот, муассасалар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2017 йил якунланишидан 10 кун олдин квота иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2018 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир квота тоифаси бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва мазкур қарор ижроси бўйича чиқарилган буйруқ нусхаларини туман Бандликка кўмаклашиш марказига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

4. Иш ўринлари банд қилинган корхона ва ташкилотлар томонидан 2018 йил 1 апрелга қадар банд қилинган иш ўринлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сонли қарорига асосан белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилиши амалга оширилсин.

5. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш жойларининг кўрсатиб ўтилган миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сонли қарори билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, белгиланган муддатлар ва тартибда яратилишини (ажратилиши ёки банд қилиб қўйилишини) хамда иш жойлари шароити санитария-гигиена нормаларига ва ходим ўз мажбуриятларини бемалол бажаришини таъминлайдиган меҳнат шароитларига мувофиқ бўлишини таъминласинлар.

6. Ушбу қарор талаби бажарилмаган тақдирда корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мансабдор шахсларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-бандига мувофиқ ,белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортилишлари хақида огоҳлантирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сонли қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги низомга асосан, ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини туман ҳокими томонидан белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларининг бир қисмини туман Бандликка кўмаклашиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш маркази жамғармаси маблағи ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

8. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази (Ж.Эрматов) бир ҳафта муддатда мазкур қарорни тегишли корхона ва ташкилот раҳбарларига етказсин ҳамда унинг бажарилиши устидан қатъий назоратни таъминласин.

9. Қибрай туман ҳокимининг 2016 йил 25 октябрдаги "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2017 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида"ги № 2290-сонли қарори 2017 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

11. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Арипов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Н.Мухамедов**

2017 йил ___ ___ дан
№ 70 сонли қарорига илова

2017 йилда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2018 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган корхона ва ташкилотлар рўйхати.

	Корхона, ташкилот ва муассасалар номи	Уларда ишловчилар сони	ЖАМИ захираланган иш ўрни	Ёлғиз ота-оналар хамда 14 ёшгача ва ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар	Таълим муассасаларини тугатган ёшлар	Муддатли харбий хизматдан бушатилганлар	Ногиронлар	Пенсия ёшига якинлашиб колганлар	Жазони ижро этиш муассасасидан озод этилганлар	Одам савдосидан жабрланганлар учун	Кичик ёшли болалари булган ишламаётган аёллар	Сафарбарлик чакируви захирасига киритилганлар	Ижтимоий ахамиятли касалликлар билан огриётганлар
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
1	Тош.ДавлатАграр Университети	1190	81	6	52	15	1	1			3		3
2	Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси Геномика ва биоинформатика маркази	144	10	2	5	2					1		
3	Қибрай клиник санатория си	238	15	3	6			2			3		1
4	Нахта селекцияси, уруғчилик ва етиштириш агротехнология. ИТИ	284	19		16	1	1						1
5	Ўсимликшунослик илмий тадкикот институти	102	7	2	4	1							
6	Узнасличилик давлат корхонаси	54	3	1	1						1		
7	Босит интер футс М.Ч.Ж	30	2		1	1							

	ТОШКЕНТ ВИЛ ПСИХОФИЗИК РИВОЖЛАНИШИ БУЗИЛГАН БОЛАЛАР УЧУН												
25	Республика [illegible] ортопедия маркази	226	16	1	10		1				2		
27	Республика Наркология маркази	173	12	2	8						1	1	
28	4-сонли Монтаж бошкармаси	342	24	5	10	7	1						1
29	Бюджетдан ташкари пенсия жамгармаси	24	2		2								
30	Янги Тошкент консерва заводи	46	3		1	2							
31	Карвон Кўшма Корхонаси	125	8		6	2							
32	Афсар ЛТД К/Корхонаси	217	16	1	11	2						2	
33	«Имкон-плюс »хусл/ч. Фирмаси	148	12		9	3							
34	Қибрай Шароб илмий экспериментал корхонаси	198	14	1	7	3					3		
35	Навруз интернешонол	136	11		6	5							
36	"GERMES NORTH TRADE" МЧЖ	132	10		8	2							
37	Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри	50	3		3								
38	Тошшаранда Х.Ж.	262	18	2	7	3			5	1			
39	Шарк хисадор. Жамияти	49	4	1	2	1							
40	Имкон Бродлер МЧЖ	182	12		8	3			1				
41	Калирия ГЭС лар тизмаси	241	16	7	5	2	1	1				1	
42	АТПО Энергокурилиш корхонаси	57	3	1	1	1							
43	Тошвилоятгазсарфи Х.Ж.	416	29	13	12	1	1		2				

9	Саноаткурилишбанк бўлими	64	4		4									
10	Инвестфинансбанкфилиали	62	4		4									
11	Савдогар банк Кибрай филиали	59	3		3									
12	Умид Гулшани санаторияси МЧЖ	88	6	1	2		1				2			1
13	"NP ESAN" М.Ч.Ж	267	17	2	8	2		2			2			1
14	Бўстон санаторияси МЧЖ	170	11	2	5	1	1	1						1
15	КИБРАЙ ТУМАНИ ДАВЛАТ САНИТАРИЯЭПИДЕМ.НАЗОРАТИ МАРКАЗИ	166	11	2	6	1		1			1			
16	Узбекгеофизика ОАЖ	784	42	5	34	2	1							
17	Кибрай сувокова давлат УК	186	14	1	6	2	1				1		2	1
18	Несиклик манбаи ИЧБ	130	9	2	6								1	
19	Республика болалар таянч харакат тизими касалликлари реабилитация маркази	189	13	2	9						2			
20	ZAR-SUHROB М.Ч.Ж	42	3		2	1								
21	"Vatanparvar" tashkiloti	63	5		1	2		1					1	
22	FARHOD-MADAD-SHIFO хусусий корхонаси	119	8		3	1		2					1	1
23	Тошкент Ш.Ф.Ф	1138.5	96	4	73	13	1	1					4	
24	[illegible]	[illegible]	[illegible]	5	40	3	1			1			1	2

9	Саноаткурилишбанк бўлими	64	4		4								
10	Инвестфинансбанкфилиали	62	4		4								
11	Савдогар банк Кибрай филиали	59	3		3								
12	Умид Гулшани санаторияси МЧЖ	88	6	1	2		1				2		1
13	"NP ESAN" М.Ч.Ж	267	17	2	8	2		2			2		1
14	Бўстон санаторияси МЧЖ	170	11	2	5	1	1	1					1
15	КИБРАЙ ТУМАНИ ДАВЛАТ САНИТАРИЯЭПИДЕМ.НАЗОРАТИ МАРКАЗИ	166	11	2	6	1		1			1		
16	Узбекгеофизика ОАЖ	784	42	5	34	2	1						
17	Кибрай сувоқова давлат УК	186	14	1	6	2	1				1	2	1
18	Несиклик манбаи ИЧБ	130	9	2	6							1	
19	Республика болалар таянч харакат тизими касалликлари реабилитатсия маркази	189	13	2	9						2		
20	ZAR-SUHROB М.Ч.Ж	42	3		2	1							
21	"Vatanparvar" tashkiloti	63	5		1	2		1				1	
22	FARHOD-MADAD-SHIFO хусусий корхонаси	119	8		3	1		2				1	1
23	Тошкент ИЭС	1138.5	96	4	73	13	1	1				4	
24	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	1					1	

	корхонаси												
45	Кибрай тумани ободонлаштириш бошкармаси .	215	11	2			1		11				
46	Тошкент вилояти "Сувоқова" Давлат унитар корхонаси	93	7	1	3		1					2	
47	Кибрай тумани йўл хўжалиги таъмирлаш фойдаланиш корхонаси	101	8						8				
48	Агро Фашион қўшма корхонаси	200	14	2	12								
49	WHITE ELEPHANT МЧЖ	200	15	4	11								
50	Барака гипт савдо	34	3						3				
51	Textile chemical solutions МЧЖ	200	15	5	10								
52	Кибрай тумани Юқумли касалликлар шифохонаси	167	12	2	8			1			1		
53	Узнасблита маъсулияти чекланган жамият	50	3	1		1				1			
54	Ялонгоч гипт корхонаси м.ч.ж	93	6	1	2				3				
55	Био-сут м.ч.ж	52	3		3								
56	"CHINOBOD-MIRAXMEDOV SHUXRAT" ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ	80	5		2	3							
57	BOW.COLTD. Ўзбекистон Корея қўшма корхонаси	78	4		3	1							
58	ООО "Tashkam A.L	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
	ЖАМИ	9642	792	86	476	93	15	14	33	3	31	16	15